



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқиб бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 205 (10.008)

2003 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИНинг БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика нефть ва газ тармоғининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш, унинг барқарор ва мувозанатли истиқболли ривожланишини таъминлаш, газ ва нефть геологияси ва қидируви, уларни қазиб олиш, нефть ва газ маҳсулотларини ташиш ва узатиш, қайта шлаш ва сотиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш даражасини ошириш, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, республика иқтисодиёти тармоқлари ва аҳолисини нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон фармойиши билан ташкил этилган Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси, холдинг компания таркибига кирувчи акциядорлик компанияларининг:

«Ўзнефтькайташлаш» акциядорлик компаниясини тугатиш ҳамда илгари «Ўзнефтькайташлаш» акциядорлик компанияси таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларни «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига киритиш;

Шўртан газ-кимё комплексини бевосита «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси тасарруфига бериш;

«Ўзнефтьгазшичтаъминот» акциядорлик компаниясини тугатиш;

Давоми 2-бетда.



Кўли гул қурувчиларимиз томонидан бунёд этилаётган муҳташам саройлар, турар жой бинолари шаҳримиз кўрқига кўрк, чиройига чирой бахш этиб, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари дилларини хушнуд этмоқда.

СУРАТДА: «Ўйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг серғайрат ва мохир қурувчиларидан бири Солиҳ Ҳофизов иш устида. Хақимжон Солиҳов олган сурат.



● **БУГУН** Миробод туманидаги 60-мактабда «Тошкент шаҳар мактаб ўқувчилари оқатланишини такомиллаштириш» мавзусида шаҳар амалий семинари бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** бозор илохотлари илмий-тадқиқот институтида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Бозор

иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида кўп йиллардан бунён шў ўқув даргоҳида талабаларга сабоқ бериб келаётган педагог Тўлқин Ғофуров таваллудининг 60 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XVI сарфоси

Барча маълумотларда олдинги сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентдаги «Интерконтиненталь» мехмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзусидаги III халқаро Марказий Осиё конференцияси ўз ишини бошлади. Унда АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Ирландия, Франция, Италия, Япония каби 20 дан ортқ хорижий мамлакатлар ва Ҳамдўстлик давлатларининг вакиллари иштирок этмоқда.

● Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида «TIF-2003» IX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди. Унда Кипр, Миср, Таиланд, Чехия, Словакия, Ҳиндистон каби сайёҳлик соҳаси ривожланган мамлакатларнинг фирма ва компаниялари ўз ютуқларини намойиш этмоқда.

● Тошкент туманидаги Тошкент ширкат хўжалигида кичик корхона иш бошлади. Корхонада тайёрланаётган мева шарбатлари, мураббо ва томат пастаси Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидаги «Жамол» фермер хўжалиги ва Туркиянинг «Умид пластик» компаниялари ҳамкорликда турли хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Коплон ЛТД» кўшма корхонасини ташкил этишти.

Жаҳонда

● Кеча Россия Президенти Владимир Путиннинг Таиландга расмий ташрифи бошланди. Ташриф давомида кенг миқёсдаги музокаралар олиб борилди ва бир қатор шартномалар имзоланди.

● Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ раҳбарияти Эронни ташкилот билан фаол ҳамкорлик олиб боришга чақирди. Агентлик раҳбарларининг фикрича, акс ҳолда МАГАТЭнинг Эронга қарши махсус резолюция қабул қилишдан ўзга чораси қолмайди.

● Польшада Рим папаси Иоанн Павел IIнинг ўз лавозимига ўтирганлигининг 25 йиллиги кенг нишонланди.

● Филиппин хавфсизлик хизмати дунёнинг учинчи рақамли террорчиси, «Исломия жамоаси» гуруҳи раҳбари Тофик Рифқийни қўлга олди. Филиппин полициясининг маълумотига кўра, юқоридаги террорчи ушбу мамлакатда бир нечта террорчилик лагерларини ташкил этган ва фуқароларни мазкур гуруҳга жалб қилган.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА САНЪАТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, муассаса ва бирлашмалар раҳбарлари, санъаткорлар, олимлар, ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси А.Азизхўжаев бошқарди. Ўзбекистон - ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб-чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда ва бугунги кунда бутун жаҳонда тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида тан олинди.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзида муҳассам этади. Шу боис ҳам мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини санъатнинг таъсирчан воситасида кишилар, айниқса ёшлар олдига синдириш, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-таъшиқот ишларини азам талаблари даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда. «Миллий истиқлол ғояси»

фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурда туб янгиланишлар юз бераётганидан далolatдир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг аксарият чиқишларида бу борада ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат намояндалари олдида гоят масъулиятли вазифалар турганини қайд этиб, ижодкорлар эътиборини тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олижаноб орзу-умидларимизни акс эттирувчи адабиёт, театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга қаратади.

Мустақиллик йилларида юртимизда санъатнинг барча турларини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса ўз навбатида зиёлилар зиммасига халқимиз, айниқса, ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, юртга сadoқат, фидойилик ғояларини бадиий пухта ва мукамал асарлар орқали самарали ва таъсирчан усулларда синдириш масъулиятини оқлайди. Соҳада гоёвий-бадиий салоҳиятини комил инсон тарбиясига йўналтириш устувор йўналиш бўлиши даркор. Бунда кутубхона, театр, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маърифий муассасалар фаолиятдан кенг ва самарали фойдаланиш, ёшлар дунёқараши-ни юксалтирадиган, уларга руҳий-

маънавий озиқ берадиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни миллий ўзлигимизга, ўтмишимизга ҳурмат, чинакам гўзаллик руҳида тарбиялаш маскани бўлмоғи лозим. Бунда маданият ва санъат соҳаларида гоёвий-бадиий жиҳатдан саёс, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳимдир.

Мажлис иштирокчилари бугунги сўбатимизнинг моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги жамият қуриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафқуравий қурашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия - бу ҳаёт-мамонт масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни оғоҳ этиш зарур. Зеро миллий истиқлол ғояси нондек азиз ва муқаддасдир. Мажлисда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафқуравий ишининг муҳим бир қисми экани яна бир бор таъкидланди. Ошқора баҳс-мунозара руҳида

ўтган мажлисда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан хўжақўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантирмаслик, уни юксак маърифат, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш санъаткор ва зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Мажлисда сўзга чиққан Маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А.Жабборов, Ўзтелерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Н.Маҳмудов, расом А.Мирзаев, режиссёр Р.Ёриев ва бошқалар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига синдиришда санъатнинг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтириш, маърифий-мафқуравий тарбия ва тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз тақлиф-мулоҳазаларини баён этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИНING БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

«Ўзгеонефтвазказибчиқариш» ва «Ўзбургуефтваз» акциядорлик компанияларини бирлаштириш ҳамда уларнинг негизда «Ўзгеонефтвазказибчиқариш» акциядорлик компаниясини ташкил этиш; «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини пудрат қурилиш ва таъминот-сотиш ташкилотларини бевосита унинг тасаруфига бериш йўли билан «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компаниясига бирлаштириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 112 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 109 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

«Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раисига зарурат бўлганда холдинг компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рўхсат берилсин.

3. Қуйидагилар: «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси, ходимларнинг чекланган умумий сони 168 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 107 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда компания ихтиёрига берилмаётган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати;

«Ўзгеонефтвазказибчиқариш» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси, компания тарбиҳига қирадиган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати, ходимларнинг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 108 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси;

«Ўзгеонефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясининг тугатилмаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналари рўйхати маъқуллансин.

4. Белгилансинки: «Ўзгеонефтвазқурилиш», «Ўзнефтвазқурилиш», «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниялари «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компаниясининг шўба корхоналари ҳисобланади;

«Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси ва унинг акциядорлик компаниялари устас фондларига берилган давлат мулкни ва акциялар пакетларини ўзгаларга бериш фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади;

«Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компанияси «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини томонидан тузилган тегишли шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзгеонефтвазқурилиш» акциядорлик компанияси «Ўзгеонефтвазқурилиш» ва «Ўзбургуефтваз» акциядорлик компаниялари томонидан тузилган тегишли шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодийни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда:

туғатиш комиссиялари ташкил этишлар ва белгиланган тартибда

«Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компанияси, «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини тугатиш, «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини қайта ташкил этилишини таъминласинлар;

«Ўзгеонефтвазқурилиш» ва «Ўзбургуефтваз» акциядорлик компанияларини бирлаштириш йўли билан «Ўзгеонефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

туғатилаётган «Ўзнефтвазқурилиш» акциядорлик компаниясини таркибига кирган таъминот-сотиш ташкилотларини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда улар фаолиятининг ихтисосини ҳисобга олган ҳолда идоравий мансублиги ва мулкчилик шакллари билан белгилансинлар;

қайта ташкил этилаётган акциядорлик компанияларида акциядорларнинг умумий йўналишларини ўтказсинлар, ушбу компанияларнинг кузатувчи кенгашлари шахсий таркиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, устас фондлари микдорлари аниқлансин ва компанияларнинг устаслари белгиланган тартибда тасдиқлансин таъминласинлар;

туғатилаётган ва қайта ташкил этилаётган акциядорлик компаниялари ва корхоналарнинг устас фондларига берилган давлат мулкдан фойдаланиш масалалари ҳал этилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига мувофиқ, ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларини етказиб бериш нефть базалари билан тузиладиган тўғридан тўғри шартномалар бўйича, нефтни қайта ишлайдиган заводлар томонидан амалга оширилсин маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган автосервис комплекслари тегишли равишда Тахтатов, Қарши, Мароқанд, Термиз, Гулистон ва Урганч нефть базалари филиалларига айлантирилсин.

7. Қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорининг 8-банди, қарорга 1, 2, 5, 6 ва 7-илвалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2000 йил 19 июндаги 233-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисобкитоб қилиш механизмни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 5 ва 6-илвалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтваз» миллий холдинг компанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 октябрь

Бугунги кунда жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тарқиёти кўпичинча унинг маънавий-маърифий негизи мустақамлиги билан аниқланади. Мустақамлик йилларида халқ маънавиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, миллий маданият ҳамда маънавий кадрларни қайта тиклаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Оила буларнинг барчасининг асосий манбаи саналади. Айнан оилада катталарга ҳурмат, поклик, ҳақўйлик, виждондорлик, одоббиллик, меҳнатсеварлик, инсон қадри-қиммати каби кўпгаб ҳислатлар шаклланади. Юртбошимиз оила муқаддас урф-одатларимиз, анъаналаримизни ҳимоя қиладиган, ҳаётнинг абдиқилиги, авлодлар ворисийлигини таъминлайдиган ва шу билан бирга, ёш авлодга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини бир неча бор таъкидлаган эди. Оила — жамиятда ижтимоий муносабатлар характерига катта таъсир кўрсатувчи жадвал ривожланиб бораётган ижтимоий институт ۇрғун. Шунинг учун у доимий ўрганишнинг талаб этади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистонда замонавий оила аҳолининг социологик мониторингини ўтказиб келади. Хусусан, жорий йилнинг май ойида республикамиз фуқаролари ўртасида «Оила ва маънавият» мавзусида сўров ўтказилиб, унинг натижалари 1999-2002 йиллардаги ана шундай сўровлар билан таққуланди. Сўров давомида оила инсоннинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантиришда қандай роль ўйнайди, ўзбек оиласининг маънавий устунилари, уни анъанавий ижтимоий институт сифатида ривожлантириш омиллари қандай каби муҳим саволларга жавоб олинди.

Ўтказилган сўров натижалари Ўзбекистон жамоатчилик фикрида оила асосий тарбия мухити ҳисобланади, деган нуктага назар устун эканлигини кўрсатди. «Оиланинг жамиятдаги вазифаси нимадан иборат?» деган саволга сўралганларнинг аксарияти /70,5 фоизи/ оила хўрғи шариъатда аввало тарбиявий вазифаларни бажаради, деб жавоб берди. Масалан, сўралган ҳар уч кишидан бири оила - жамиятнинг маънавий негизи, 36,9 фоизи эса оила - инсонни тарбиялаш пундиёври деб ҳисоблайди. Бунинг устига натижаларнинг қўбўни таҳлил шуни кўрсатдики, сўралганларнинг 22,2 фоизи оиланинг репродуктив вазифаси ошиб бораётганини қайд этган.

Чунончи, «Жамиятимизда инсон маънавиятини шакллантиришга нима кўпроқ таъсир кўрсатади?» деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 77,1 фоизи «оила» деб жавоб берган. Шунингдек, ушбу саволга бошқа ижтимоий институтлар орасида маҳалла /43,2 фоизи/, таълим му-

ассасалари /43,2 фоизи/, ижтимоий мухит, яқин қариндош ва дўстлари /36,9 фоизи/ каби жавоблар олинди.

Оила қуриш ҳар бир инсон ҳаётидаги масъулиятли ва аҳамиятли воқеадир. Сўралганларнинг кўпчилиги учун эрхотиннинг ўзаро муҳаббати /52,6 фоизи/ ва бир-бирига бўлган ишончи /48,9 фоизи/ мустақам оила қуришининг муҳим шarti ҳисобланади. Ҳар уч кишидан бири /34,9 фоизи/ ҳаёт қийинчиликларига чидаш ва ундан қониқиб ҳосил қилиш, 27,7 фоизи эса фарзандлар - оиланинг мустақамлишига ёрдам беради, деб билади. Сўровда иштирок этганларнинг ҳар бешидан бири учун /20,5 фоизи/ оиланинг моддий фаровонли-

ги муҳим омил ҳисобланади. «Оилада фарзандларнинг маънавий-маърифий тарбияси нимага нисбатан ошадиганини кўрсатди?» деган саволга сўралганларнинг 72,1 фоизи ота-она биргаликда шуғулланиши лозим, деган фикрни билдирди. Шуниси эътиборлики, оилада асосий тарбиячи она деб ҳисоблайдиганлар сони анча камайди /2000 йилда бу кўрсаткич 10,2 фоиз бўлган бўлса, бу йил 8,9 фоизни ташкил этди/. Бу борада отанинг /7,8 фоиздан 10,9 фоизга/ ҳамда бувидан буваларнинг роли ошди /8 фоиздан 12,1 фоизга/.

«Маънавий соғлом ва баркамол фарзандлар қандай оилаларда тарбияланиши мумкин?» деган савол сўралганларнинг кўпчилиги /49,8 фоизи/ ота ва она биргаликда бошқараётган оилада, 25,4 фоизи бир-бирини тушунадиган ҳамда ақиллик устун оилаларда, деб жавоб берди. Бу эса фарзандни ота ва она бирга тарбия қилиши зарурлигини дарақ беради. Сўровда иштирок этган ҳар етти кишининг бири тарбияда отанинг /15,3 фоизи/, 4 фоизи буви ва буванинг роли муҳимлигини қайд этди.

Оиланинг маълумотлар ўсиб келаётган ёш авлодини тарбиялашда маънавий-маърифий омиллар аҳамиятини кучайтириш лозимлигини далолат беради. Аввалгидек, ўзбекистонликлар учун фарзандларни тарбиялашда ота-онанинг гапига қулоқ солиш, меҳнатсеварлик, ўқиб, ҳақўйлик ва одоб муҳим саналади.

Оила муаммолари, унинг моддий фаровонлиги ўсиши ҳар доим давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлган. Бу борада таълим олишга катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, БМТнинг Болалар жағмарма-

си /ЮНИСЕФ/ бюртмасига кўра ўтказилган 2003 йилги социологик мониторинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда мактабда ҳамда касб-ҳунар ва техник таълим олиш учун Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг кўпгаб сарфланмоқда. «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўров шуни кўрсатдики, ватандошларимизнинг кўпчилиги йигит ва қизлар олий маълумотга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди /91,1 ва 81,2 фоизи/.

Мустақам, маънавий соғлом оила кўпчи ҳаётларимиз учун тўлақоли турмушининг барқарор шартларини яратди. Оила ичидagi муҳит эса инсоннинг шахс сифатидаги ҳислатларини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ф а р з а н д

оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзлаштириши ва бу келажақда унинг ўз оиласини қуришига таъсир кўрсатади.

Эр-хотинлар ажрашишининг камайиши Ўзбекистонда замонавий оила аҳолининг муҳим кўрсаткичи саналади. ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинги маълумотларига қараганда, республикамизда кейинги 12 йил ичида эр-хотинлар ажрашиши бир ярим баравар камайди ва 100 нихоқдан 9,2 ҳолатни ташкил этади. Масалан, Россия, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларга нисбатан бу кўрсаткич бир неча марта кам. Ушбу ҳолат фуқароларимизнинг ажрашишига салбий муносабатда /сўралганларнинг 94,8 фоизи/ экани билан ҳам боғлиқ. Ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, ажрашишга нисбатан бундай ёндашувнинг асосий сабаблари: оиланинг бузилиши, болаларнинг етим бўлиб қолиши, бу уларнинг руҳиятига, билим олиши ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, ажрашишнинг ўзбек халқи анъанавий-ахлоқий асосига мос келмаслиги ҳисобланади.

Социологик тадқиқот давомида мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-маърифий тикланиш борасида олиб бораётган сиёсатга муносабатли моддий қадриятлардан устунлиги жамиятимиз маънавий соғлом бўлиб, барқарор ахлоқий-маънавий кадрларга эга эканлигини далолат беради. Бунда оиланинг жамиятнинг асосий бўғини ва ижтимоий институт ҳамда ёш авлодини маънавий-маърифий фаилатларини тарбиялашда ижтимоий тузилмани таркибий қисми сифатидаги роли устувор аҳамиятга эга.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
А.ИВАНОВА тайёрлади,
У.А. муҳбири.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги вазирлиги ўртасида наркотикларни текшириш бўйича лаборатория жиҳозини тақдим қилиш тўғрисида битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Маъмур ҳужжатга Хитой Жамоат ҳавфсизлиги вазирлигини ўринбосари Ян Хуаньин ва Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги Факултетада ва мухтор элчиси Н.Юсупов имзо қўйди.

Битимга кўра, Хитой томони ўзбекистонлик ҳамқабларига бегараз ёрдам сифатида қўйма-

ти 1 миллион 120 минг юан бўлган лаборатория жиҳозини тақдим этади. Уни ўрнатиш ва ходимларни ўргатиш жараёни ҳам хитойлик мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Ян Хуаньин Ўзбекистонлик ҳамқаблар билан ҳамкорлик икки томонлама асосда, шунингдек, ШХТ доирасида халқаро терроризм, сепаратизм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай конвенциясини амалий бажариш йўлида янада ривож топишига умид билдирди.

«Жаҳон» АА.

Ўзини танимаган инсон ўзгани ҳам танимас. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари деганлар: «Эй инсон! Сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилгайсен, ўз аслинг не нимасадур ва не ердан келибсан ва не ерга боргундур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?»

Шукрки, биз — ўзини таниган миллатимиз. Бизнинг саодатимиз — иймонимизда. «Иймон — қовлун ва амалун» деганлар Имом Бухорий ҳазратлари. Яъни, иймон — одамнинг ўз сўзига амал қилишидир. Иймон ҳақида гапирганда неча асрлардан бўён халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган ислом дини ва исломий тушунчаларни эсласаллик мумкин эмас.

Истиклол бизга муқаддас динимизни, эътиқод эркинлигини қайтариб берди. Ўтган ўн икки йил давомида дин соҳасида кўп хайрли ишлар қилинди ва бу изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича кўмита расми Шоазим МИНОВАРОВ билан суҳбатимиз ҳам Юртбошимиз томонидан дин соҳасига кўрсатилган ана шундай юксак эътибор ва унинг самаралари ҳақида кечди.

— Шоазим Шоисломович, Хабариниз бор, шу йилнинг 22 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг аҳаияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Юртбошимиз ҳамиша дин соҳасига алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Виждон эркинлиги ва диний таққилотлар тўғрисида»ги Қонун 1991 йилдаёқ қабул қилинган эди. Ушбу тарихий ҳужжат диндорларга жуда катта имкониятлар, эркинлик ва шарт-шароитлар яратиб берди. Минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра зиёратлариға муяссар бўлди. Ўтган ўн икки йил мобайнида кўплаб буюк бобоқалонларимиз — ислом оламнинг улуғ алломалари таваллуд топган кунлар кенг миқёсда нишонланди. Уларнинг табаррук қадамжолари ободонлаштирилди, бебаҳо мерослари ўрганилиб, тарғиб этилмоқда. Совет тузуми пайтида қаровсиз қолган диний обидалар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ихтиёриға қайтарилди. Дунё мусулмонлари учун энг табаррук қадамжолардан бири бўлган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуининг янгидан бунёд этилиши, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотрудий, Бурхонуддин Марғиноний каби юртдошларимизнинг таваллуд тўйлари кенг нишонланиб, зиёратгоҳлари қайта тикланиши фикримизнинг далилидир.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори Юртбошимиз бу борада қилаётган ғамхўрликларнинг яна бир ифодасидир. Мазкур қарор дин соҳасига қаратилган юксак эътибор намунасидир. Шу ҳужжатнинг талаблариға мувофиқ диний муассасаларда бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Диний таққилотлар шу пайтгача коммунал хизматлар учун ишлатиб чиқариш қорхоналари билан тенг миқдорда ҳақ тўлаб келарди. Эндиликда улар бу борада аҳоли билан бир хил имтиёзларга эга бўлди. Бундан тежалладиган ва мамлакатимиздаги бир қатор зиёратгоҳлардан тушадиган маблағ Республика Мусулмонлар идораси ҳузуридаги махсус жағмарга ҳисобига ўтказилди. Ушбу жағмарнинг асосий вазифаси буюк аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва улардан аҳолини, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш, шу билан бир қаторда диний таълим тизимини замон талаблариға мослаштиришдан иборатдир. Юртбошимиз томонидан қўйилган муҳим вазифалардан бири ҳам диний таълим муассасалари замонвий шарт-шароит, имконият даражасини адолаватий таълим стандартлари билан тенглаштиришидир.

— Мазкур қарор асосида диний таълим тизимида жорий этилиши белгиланган янгиликлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Ушбу қарорда белгиланган имтиёзлардан бири шуки, диний таълим муассасалари биттюрвчиларға бериладиган шаҳодатномалар дав-

лат ўқув муассасалари дипломи билан тенглаштирилди. Энди ушбу даргоҳларни битирганлар олий ўқув юртиларида ўқишни давом эттиришлари ёки давлатга қаршли қорхона ва таққилотларда ишлаши мумкин. Айни пайтда Мусулмонлар идораси ҳузурида ўн мадраса ва Тошкент Олий ислом институти ишлаб турибди. Мадрасаларимизнинг аксарияти тарихий биноларда жойлашган бўлса-да, улардаги шарт-шароит бугунги талабларға тўла жавоб беради.

Сўнги йилларда мамлакатимизда диний таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Мадрасаларимизда динга оид фанлар билан биргача дунёвий фанлар ҳам ўқитил-

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

моқда. Ушбу қарор мудarrisларимиздан алоҳида малака ва маҳорат талаб қилиши тайин, Чунки уларнинг маъкеи Олий ўқув юртилари ўқитувчилариники билан тенглаштирилди. Хукумат қарорига мувофиқ мудarrisлар меҳнати улар бажарётган ишлариға қараб тақдирланади. Талабаларнинг ҳам стипендияларини ошириш, ўқиш шароитларини янада яхшилаш белгиланган. Шунингдек, керакли дарсликлар, компьютерлар таъминоти ҳам хал қилиниши зарур бўлган масалалар сирасига қиради.

— Шоазим Шоисломович, диний таълим муассасаларида дунёвий фанлар ўқитилаётган экан, дунёвий таълим муассасаларида-чи, диний билимлар бериладими?

— Бу масалаға ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда қатор мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий таълим даргоҳларида диншунослик фани таъриба сифатида ўқитилмоқда. Мазкур фан бўйича яратилган янги дарсликлар синаб кўрилмақда. Диншунослик фани ўта нозик соҳалардан бири бўлиб, эътиёткорлини талаб қилади.

— Маълумки, мустақиллик бизга асрий аъналаримиз қатори муқаддас динимиз, бой ва бетакор миллий қадриятларимизни тиклаш имконини берди. Айни пайтда дин ва диндорларға жуда катта эркинлик ва имкониятлар яратилди. Ана шундай бир шароитда базилларнинг ҳамон турли диний оқимлар домиға тушиб қолаётганини қандай изохлаш мумкин?

— Сир эмаски, собиқ шўролар империяси катта мафзуравий асос устиға қурилган эди. Одам болалар боғмасидан бошлаб коммунистик дахрийлик руҳида тарбияланарди. Империя парчаланган, гоёвий бўшлиқ юзаға келди. Уша йилларда кўплаб хоржий даъватчилар пайдо бўлди. Улар халқимизнинг меҳмондўстлигини

суийстеъмол қилди. Масжиду минбарларни эгаллаб, бизга бутунлай ёт гоёларни олиб қиришға ҳаракат қила бошлади.

Душман ҳар доим рақибининг заиф жойини пойлайди. Диннинг асл моҳиятини яхши билмаслигимиз бизнинг заиф жойимиз деди. Жоҳил одам — энг хавфли қурол. Буни вақтида англаб етган Юртбошимиз гоёға қарши гоё, жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш, гоёвий бўшлиқни миллий истиқлол гоёси билан тўлдириш зарурлигини кўрсатди. Таасуфки, ўша пайтларда сочилган разолат уруғлари бир мунча кўқариб улгурди. Айрим ёшларимиз ана шу оқимлар домиға тушиб қолди. Хукуматимизнинг оқилона сиёсати туфайли дунёвий ва диний саводхонликка эътибор берилди, динимизнинг инсонпарварлик жиҳатлари тарғиб этилди. Бу тез орада ўз самарасини бера бошлади.

— Албатта, ислом дини ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилинаётгани, ақида-парастикнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашилаётгани ўз самарасини бермоқда. Залолат кўчасига кириб қолган кўплаб юртдошларимиз ўз хатоларини тўғрилик етмоқдалар. Бироқ бу ўзгаришлар тўла хотиржамликка берилиш учун асос бўлмайдими, шундай эмасми?

— Гоёвий масалаларда ҳеч қачон хотиржамликка берилмаслик керак. Юртбошимиз янги аср гоёлар кураши асри эканини, мафзура полигоний ядро полигонидан хавфлироқлигини бот-бот тақрорлайдилар. Жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишини фақат маърифат билан енгиш мумкин. Ёшларимизнинг бундай бундай вақтинчи мазмуни ўтказишлари учун етарлиқ имконият яратмоқ лозим. Акс ҳолда улар турли номақбул йўларға кириб кетишлари мумкин. Уларнинг онги ва шуурини бегона тушунчалар таъсиридан ҳимоя қилиш даркор. Ахборот алмасуви ўта такомиллашган бир пайтда дунёнинг нариги чеккасида содир бўлган воқеалардан бир зумда воқиф бўлса-да, баъзан ўз маҳалламизда нима бўлаётганидан бебаҳар қоламиз. Бунинг натижаси эса авён.

— Ёшларимизнинг маънавий-маърифий онгини юксалтириш, бой маданий меросимиз, Имом Бухорий, Марғиноний, Мотрудий, Нақшбанд, ат-Термизий каби алломаларимиз асарларида илгари сурилган умуминсоний гоёларни уларнинг шуғриға чуқурроқ сингдириш учун яна қандай чора-тадбирларни амалға ошириш лозим деб ўйлайсиз?

— Уламолар эътироф этишадики, ислом дини Маккада вужудға келган бўлса-да, уни Мовараннахр алломалари мукамал илм даражасига кўтарганлар. Ўтмишда ҳам ҳозир ҳам бу улуғ мутафаккирлар мероси энг муътабар манба сифатида ўрганилади. Жумладан, Имом Бухорийнинг «Саҳихи Бухорий» тўплами Куръонни қаримдан кейинги иккинчи муқаддас манба саналади. Бу тўпلامда пайғамбаримизнинг энг ишонарли ҳадислари жамланган. Уларнинг ҳеч бирида қон тўкиш, халқ осойишталиғиға раҳна солиш каби тушунчалар йўқ. Аксинча, ота-онаға ҳурмат, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-шафқат каби олижаноб хислатлар илгари сурилди. Бинобарин, бу дурдоналарни ёшларимиз онига сингдириш жуда катта аҳамиятға эга. Исломни чуқур ва тўғри англаган одам ҳеч қачон жаҳолатта ботмайди. Дин фақат эзгуликка, қомилликка қорлаб келган ва шундай бўлиб қолди. Демак, диний-маърифий тарғиботи такомиллаштириш, ёшларимизни тарихий ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

ЎА мухбири
Воҳид ЛУКМОН
суҳбатлашди.

КОНТРАБАНДАГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг шу йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти якунлари ва божхона органлари олдига турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Кўмита расми Б.Парпиев бошқарган ушбу йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида божхона органлари томонидан мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, шунииндек, товар-моддий бойликларни қонунға хилоф равишда чегараларимиз орқали олиб ўтилишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалға оширилгани таъкидланди. Тўловларни тўлиқ ундириш ҳамда контрабандаға қарши курашишға жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кўрилган чора-тадбирлар натижасида давлат бюджетига ўтган йилнинг шу давриға нисбатан анча кўп — 214,5 миллиард сўм маблағ ундирилди.

Йиғилишда Юртбошимизнинг шу йил 23 сентябрдаги пахта хомашесини нест-нобуд қилмасини йиғиб олиш, талон-тароғ этилишиға йўл қўймаслик, айниқса, унинг республика таъқарисига ноқонуний йўллар билан чиқиб кетмаслигини таъминлашға қаратилган Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил ҳосили пахта хомашесини саклашни таъминлашға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бугунги кунда божхона органлари олдига турган энг долзарб вазифалардан эканиға эътибор қаратилди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎА мухбири.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Япониянинг «Коку» мусика гуруҳи концертлари бўлиб ўтди. Бу билан мазкур ансамбль иштирокчилари Ўзбекистонда таққил этилган Япония маданият кунларининг навбатдаги иккинчи босқичини бошлаб беришди.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Маданият кунларининг биринчи босқичида япон фильмлари намойиш қилинган эди. Пойтахтдаги Киночиқлар уйда ўзбек томошабини бешта бадийи ҳамда олтин ҳужжатли ва мультимедиа фильмға баҳо берди. Улар орасида, айниқса, халқимизға яқин ижтимоий масалалар кўтарилган «Уйлар», «Қумдан ясалган қаср», «Қумдаги қалъа» каби бадийи фильмлар алоҳида ажралиб турди.

— Кино ахборотға бой коммуникация воситаларидан ҳисобланади, зеро у орқали бир дақиқа давомида халқ ҳайъатининг турли жиҳатларини ёритиб бериш мумкин, — дейди Япониянинг Ўзбекистондаги Факултодада ва мухтор элчиси жаноб Акио Кавато. — Тошкентда кўрсатилган фильмлар ўтган асрнинг 70-90-йилларида суратға олинган, лекин шунга қарамастан улар Ўзбекистонликларда катта таассурот уйғотганлиги ва томошабинларға деярли тўла залда ўтганлиги бизга

мамнуният ҳиссини бағишлади.

«Коку» гуруҳиға қайтар эканмиз, мазкур жамоа иштирокчилари фақат аънавий япон мусика асбоблари — сякухати (бамбудан ясалган флейта) ва кото (горизонтал арфа) да куй ижро этишларини айтиб ўтиш жоиз. Лекин кизиги шундаки, ўзига хос мусикий услублар ҳамда рок, жаз ва Фарб мумтоз мусикасига сунган ҳолда «Коку» ўз ижодида япон халқ мусикаси чегараларидан чиқиб кетади. Бу эса гуруҳ концерт дастурларининг бойишиға, уларға нисбатан кизиклиш ортисиға хизмат қилади. Бугун ансамбль томонидан аънавий халқ мусикаси билан бир қаторда «Пинк флорид», «Битлз» каби машҳур поп гуруҳларининг асарлари ҳам маҳорат билан ижро этилмоқда. «Коку» мусиқачилари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлишган, шу боис Ўзбекистон ва унинг халқи тўғрисида таассуротлари билан тўққиланиб ўртоқлашлар.

— Ўзбекистонға келиб мен халқларимизни яқинлаштириб турадиган омиллар қўлинига ишонч ҳосил қилдим, — дейди гуруҳ раҳбари жаноб Акимадзу Накамура. — Ўзбек мусика санъатининг япон маданиятиға тарихий таъсири мени қувонтиради. Шунинг учун ҳам биз маданиятларимиз тараққийтиға ҳамжихатлиқда хизмат қилишимиз керак, бугунги концертимиз эса гуруҳимизнинг ушбу эзгу ишға қўшган ўзига хос улуши бўлади.

Ўзбекистонликларни бу ой яна бир қизиқарли мусикий дастур — япон аънавий мусикаси концерти кутаяпти. Уни Токио нафис санъат ва мусика университети гуруҳи аъзолари ижро этишади. Дарвоқе, мазкур гуруҳ иштирокчилари шу йилнинг баҳоринда мамлакатимизда ўтказган концертлари билан ҳамюртларимизға яхши таниш. Ушунда япон мусиқачилари Ўзбекистонға тез-тез келиб туришға аҳд қилишган эди.

— Ўзбек тингловчиси замонавий ва аънавий мусика ижро этиш усулларини бири-бириға солиштириш имкониятиға эга бўлади, — дейди жаноб Акио Кавато.

— Мен айни пайтда ўзбек аънавий мусикасининг Японияда кентрок тарғиб қилиниши тарафдориман. Ўзбекистон билан яқин

алоқалар ўрнатган Токио нафис санъат ва мусика университети бу борада ўз кўмагини беради, деб умид қиламан.

Энг муҳими япон-ўзбек муносабатлари ривожига хизмат қилувчи ўзаро интилиш ва имкониятлар мавжуд, — фикрида давом этади жаноб Акио Кавато. — Бунда мулоқотнинг барча кўринишлари фойдали. Масалан, ўтган йилнинг кузида Ўзбекистонда япониялик киночиқлар гуруҳи бўлди. Уч ой давомида гуруҳ аъзолари томонидан янги бадийи фильм суратға олинди. Таниқли кино юлдузлари иштирок этган мазкур асар воқеалари Ўзбекистонға бағишланган бўлмасда, бироқ суратға олиш жараини тўғрисида япон матбуотида қатор материаллар эълон қилинди, уларнинг аксариятида сининг мамлакатини тилға олинган. Бундай янгиликлар японлар қизиқувчан бўлади.

Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари давом этапти. Ушбу тадбир доирасида Тошкентда таъсирий санъат асарлари кўргазмаси, японларнинг гулларни беэаш санъати — «икэбана» намойиши ва Япония ҳақида маърузалар таққил қилиш кўзда тутилган.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг миллий давлатчилигимиз ва халқимизнинг минг йиллик тарихи билан боғлиқ маънавий, маданий кадриятларга эътибор кучайтирилди. Мамлакатимизда маънавий тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан деб эълон қилинди.

Бизнинг Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи ўринбосари Абдусаттор Абдуғафоров билан суҳбатимиз ҳам институтда маънавият ва маърифат йўналишида олиб борилган ишлар ҳусусида кенди.

— Абдусаттор ака, юртимиз келажак учун масъул бўлган комил инсонлар, хусусан талаба-ёшларда халқимизнинг кадриятлари ва аъёнларига ҳурмат ва меҳр-муҳаббат уйғотиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Бу борада институтда талабаларнинг илмий-маданий, маънавий-ғоявий савияси юксак инсонлар бўлиб етишиши борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, маънавий баркамол, ғоявий етуқ, ўз тарихи, маданияти, кадриятларини билан фахрланадиган инсон кўп нарсаларга қодир

бизнинг институтда ҳам «Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб этиш маркази» фаолият кўрсата бошлади. Марказнинг асосий вазифаси талаба-ёшлар қалбига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт руҳини сингдириш, уларни маънавий баркамол, комил инсон сифатида элим деб, юртим деб ёниб яшашига ўргатишдир.

Талаба-ёшларни жамоамизнинг босиб ўтган йўли, аъёнларини билан таништириш мақсадида 1992 йилдан бери «Институт тарихи музейи» фаолият кўрсатиб келмоқда. Музейни ташкил этишда институт ректорати ва ахойиб олим, моҳир ташкилотчи, тарих фанлари номзоди, доцент, захматқаш инсон, марҳум Ф.Озодаевнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди. Музейда талаба-ёшларимиз, ходимларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз нафақат институт тарихи билан танишадилар, балки турли аъёнлар, янги фан-техника ютуқларидан баҳраманд

салтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратилмоқда?

— Институтда 10 йилдан бери иқтидорли талабалар академияси ва унинг қошида талабалар моддалар театри, «Ипак парилари» халқ дастаси, талабаларнинг конструкторлик бюроси, талабаларнинг техник-таржимончилик бюроси ва кафедралар қошида 30 дан ортиқ тўғараклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, талабаларнинг ўз ташаббуслари билан ташкил этилган 3 та ёшлар клублари («Аср», «Тўқимачи», «Зиё») талаба-ёшларимизнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга кўмак бермоқда.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришда, уларнинг умуммаданий савиясини юксалтиришда 1957 йилда ташкил этилган кўп нусхали «Тўқима-

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

АЛЛА АЙМТАҲ ЭМАР МУРОДТА

Она алласи! Нақадар оромбахш меҳриё, жозибадор, оҳанграбо кўшиқ бу. Она алла айтади болани тебратса, бола бир кун келиб дунёни тебратади. Алла кўшиқлар ичида энг қадимий ва энг гўзалидир. У дунёдаги барча халқларда ўзига хос хусусият билан тараннум этилсада, аммо мақсад битта — инсониятга тинчлик, бахт-саодат, ризқ-насиба тилашдир.

Инсоннинг умри кўшиқ билан йўғрилган. У дунёга келган илк кунидан то сўнгги нафасигача кўшиқ ичида энг буғоги, энг улуги — бу алладир. Она сути қанчалик муқаддас бўлса, унинг алласи ҳам шунчалик муқаддас. Онаизорнинг сути фарзандни ўз халқи, Ватани олдида бурчдор қилса, алла унинг вужудига меҳр-оқибат, муҳаббат, инсоф, диёнат каби илқ туйғуларни киритади.

Инсоннинг умри кўшиқ билан йўғрилган. У дунёга келган илк кунидан то сўнгги нафасигача кўшиқ ичида энг буғоги, энг улуги — бу алладир. Она сути қанчалик муқаддас бўлса, унинг алласи ҳам шунчалик муқаддас. Онаизорнинг сути фарзандни ўз халқи, Ватани олдида бурчдор қилса, алла унинг вужудига меҳр-оқибат, муҳаббат, инсоф, диёнат каби илқ туйғуларни киритади.

Алла, болам аллаё, узичоғим, аллаё, эмасининг эҳусиси, Овучиоғим аллаё.

Алла қилай, қулоқ сол, Алла деган сўзима. Эркатойим бой бўлиб Нурулар бергин кўзима.

Оппоккина кўлингдан Опагиндан айлансин, Мунқоқдайин кўзиндан Опагиндан айлансин.

Ҳа, аллақайси хонадонда ярим тунда буюк инсон — аёл бешиқ тебратганича алла айтапти. Атроф жимжит, фақатгина оромбахш кечаларнинг мудроқ нафасини ахён-ахёнда чигирт-

каларнинг чириллаши бузади, холос. Мана шундай табиатнинг жозибадор дамлари волидининг соқин, ҳазин, дилгир алласи билан музайян этилса, бутун борлик; осмондаги тўлғун ой, узоқ-узоқларда милтиллаётган юлдузлар, бутун замин, осмону фалак ухлаб ётган бўлса ажаб эмас, эмакси шу уйқудан башариёт барча ёмон ҳислатларни унутиб уйғоса, коинот мусофоланиб кетса, ҳаёт эса нурилу нафас билан инсонларга, бутун жонзотларга ризқ это. Она алласи ана шундай сеҳр-қудратга эга бўлган кўшиқ.

Шундан бўлса керак, аллаларнинг мавзу қамрови шу қадар кенги, уларда фарзандаги сихат-саломатлик, порлоқ келажак тилагидан тортиб, бевафо дунёнинг барча найрағи нолапарини жо бўлган. Мана бу аллага бир эътибор беринг-а.

Алла, болам бахтиё, Ҳар нарсанинг вақти бор. Эрка болам, аллаё, Серка болам аллаё.

МУСОҲАБА

ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВР

бўлади, уни ҳеч ким енга олмайдди. Зеро, маънавият ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг куч-қудрати манбаи ҳисобланади.

Вазифаларнинг долзарблиги ва масъулиятчилигини англаган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти талаба-ёшлар орасида маънавий-маърифий тарбия ишларини жонландириб юборди. Хусусан «Маънавият ва маърифат» бўлими, унинг факультетлар, талабалар ўйларидида шохобчалари тўзилди. «Маънавият ва маърифат Кенгаши» ташкил этилди. Бугунги кунда институтдаги маънавий-маърифий ишларнинг барчаси талабалар тарбиясига қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги «Маънавий-маърифий исплохотларни янада чўқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилмоқда.

бўлмоқдалар. Тарих музейида ўқув гуруҳларининг маҳсул жадвал асосида ташриф буюришлари ташкил этилган. Ўзбекистон тарихи ва «Мутахассисликка кириш» фанларидан дарс машғулотларининг мазкур музейда ўтказилиши талабаларнинг институтимизга меҳр-муҳаббат, садоқатини оширмоқда.

Институтда «Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг муҳассам дастури», Талабалар ўйларига олиб бориладиган «Маънавий-маърифий тадбирлар режаси», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ижросини таъминлаш бўйича ҳар бир босқич учун алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Уларнинг жорий ва истиқболдаги тадбирларининг бажарилиши амалга оширилмоқда.

Институтда фаолият кўрсатаётган мураббийлар кенгаши институт маънавий ва маърифий кенгаши йиғилишида тасдиқланган иш режасига асосан ҳар ойда бир марта мураббийлар учун «Маънавият ва маърифат ўқуви» ташкил этган. Кенгаш турли газета ва журналлар ижодкорлари билан бевосита мураббийлар ва талабаларнинг учрашувларини ташкил этаётганлиги ёшлар дунёқарашининг шаклланишига, маънавий-маърифий савияларининг юксалишига, қолаверса бундай ижодий ҳамкорликлар миллий кадриятларимизни такомиллаштиришга замин бўлмоқда.

— Талаба-ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратилмоқда?

чи» газетасининг ўрни катта. Ҳар икки ҳафтада нашр этиладиган ушбу газета профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг сеvimли маърифат тарғиботчисига айланган.

Талабаларнинг маънавий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида институт маданий саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган факультетлараро «Ватан, ҳуқуқ ва ёшлар», «Миллий кадриятлар ва ёшлар», «Ватан ягонадир, ватан биттадир», «Нафосатли қизлар», «Талабалар баҳори», «Балли йиғитлар» кўрик-танловлари аъёнани тарзда, мунтазам ўтказмоқда. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши талабаларимизни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашга замин бўлиб, уларда ўзлари танлаган касбга меҳр уйғотиш билан бирга адабиёт ва санъат соҳасидаги қобилиятлари, истеъдодларини намойиш этишига ёрдам бермоқда.

«Маънавият — қалбим қуёши», «Ватанин сеvimок йиғмондандир», «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Ватан мустақиллигига менинг ҳиссам!» мавзуларида иншо танловлари, факультетлараро деворий газеталарнинг кўргазмалари ва танловларининг ўтказилиши талаба-ёшларимизнинг маънавий камолотига ижобий таъсир этмоқда.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

МАҲАЛЛАДА — КУТУБХОНА

Мамлакатимизда маънавий ва маърифий ишларни кенг кўламда олиб боришда маҳалларнинг ҳам ўрни ва ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Айниқса ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг етуқ ва комил инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида самарали ишлар олиб борилаётгани мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Жумлада, Яқсарой туманидаги «Конституция» номи маҳаллада олиб бориладиган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Маҳалла муқаддас даргоҳ, Ана шу муқаддас гўшада етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли бир-бирлари билан аҳил ва иноқ, тотувликда истиқомат қилади. Ушбу маҳалла гузаридида ўтказиладиган турли хил маънавий-маърифий тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда. Айниқса ақинда маҳалла гузаридида ташкил этилган кутубхона барчани бирдай қувонтириди. Шунингдек, қандайдир эътиш кераки, ушбу маҳаллада ис-

тиқомат қилувчи Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон бу кутубхонада 400 дан ортиқ китоб тақдим этди. Шунингдек, Низомиё номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан ҳам маҳалла кутубхонасига турли хил китоблар топширилди.

— Бугунги кунда маҳалламиз гузаридида ташкил этилган кутубхона маҳалла аҳли билан гавжум бўлмоқда. — дейди «Конституция» номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Муҳаммадиев. — Ҳозир кутубхонада кундан кунга китобсавар

учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ташкилладилар. Қизиқарли савол-жавоблар ва мушоира тарзида ўтган учрашув кечасида «Ғафур Ғулом» нашриёти ходими Назира Жўраева ҳам сўзга чиқиб, маҳалла кутубхонасига нашриётда чоп этилган янги китоблардан соғва қилди. Бу учрашув маҳалла аҳлида унутилмас таассурот қолдириди.

Ҳақиқатан маҳалла маънавият ва маърифат ўчоғига айлангани, китобхоналар кун сайин оқиб бораётгани маҳаллада ибратли ва самарали ишлар йўлга қўйилганидан далolatдир. Зеро маънавиятга юксак эътибор келажакки буюк эканлигига шубҳа йўқ.

Гулором ХАМИДОВА СУРАТДА: «Конституция» маҳалласи кутубхонасида; танлиқ шoir ва адиблар билан ўтказилган учрашувдан лавҳа. Ҳақимжон Солиқов олган суравлар.

ТАНЛОВЛАР

Куни кеча Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташкилотчилигида «Нафосатли ёш қаламқашлар» номи кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

ЁШ ҚАЛАМҚАШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ижодкор, илмга чанқоқ ёшларни саралаш ҳамда Ватан туйғусини уларнинг онига сингдириш, шунингдек, иқтидорли мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танлов фолиблари аниқланиб улар Республика босқичида қатнашди

хўққини кўлга киритдилар. Туманлардан 3 нафардан фолиблар жами 28 ўқувчи иштирок этган кўрик-танловда ёшларнинг ижодий ишлари хусусан, насл ва назмда қалам тебратаётганларнинг энг саралари аниқланди. Шунингдек, ўз ҳўққоқлари ва шеърлари, публицистик мақолалари

Алла боламин бокаман, Устинга кўрпа ёпаман, Уйдан кетган отангин, Энди қайдан топаман.

Ота — оиланинг бир устун бўлса, она — иккинчи бир устун. Бир устун қулса, оиланинг бутун оғирлиги иккинчи устунига тушади. Оила маълум сабабларга кўра ўз отасидан айрилган. Она буну кўзларида нам, қалбидидаги армон билан кўшиқ қилмоқда.

Ҳа, азиз ўқувчи, оналаримиз, бувиларимиз ажабий аллаларни яратганлар, уларни қалбига жо қилиб қуйлаганлар. Балким шундай гўзал, жозибадор аллаларимиз, Амир Темурдай соҳибқирон, Алишер Навоийдай газалнавис шоир, Бобур Мирзодай давлат арбоби ва шоир, Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмийдай аллома, Ат-Термизийдай хадисчи, Мирзо Улугбекдай олим ва шoҳ Х.Абдуллаевдай олим, А.Бакиров, О.Ҳўжаев, Р.Ҳамроев, Х.Умаров, А.Ҳидоятлов, Н.Раҳимов, М.Уйғур, С.Эшонўраева, Тамираҳоним каби эл севган санъаткорларини оламга таратишда юксак омил бўлгандир.

Момоларимиз ҳам шоира, ҳам бастакор, ҳам созанда ролини қойилмақом қилиб ижро этиб аллаларимизни асрлардан асрларга етказиб келдилар. Шундан келиб чиқиб бир савол туғилди: Ҳўш, ҳозирги сингилларимиз оналаримиз ва момоларимиз қуйлаган аллаларини қуйлай олармикин? Афсуски, сингилларимиз


нинг (хатто 30-40 ёшдаги аёлларимиз ҳам) ақсарияти умуман алла айтишни билмайди. Ўз фарзандларига аллани ўз оналари, момолари ёки қайноналаридан айтиб беришни сўрашадди.

Биз юқори синф қизлари ва талабалардан алла айтиб бера оладиган борми, деб сўраганимизда афсуски ижобий жавоб ололмадик. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг-а, орадан йиллар ўтиб, алла айтаётган момоларимиз ўтиб кетишгач, бу гўзал аллаларимиз фақат ширин хотира бўлиб қолмасмикин?!

Она алласидан баҳраманд бўлмаган боланинг келажак нима бўлади? Умуман аллани билмаган она фарзандига оналик қила оладими?!

Бизнингча, мактабларда, ўқув юртларида адабиёт дарсликларига, одобнома фанларига аллалардан намуналар киритилса, матбуотда кўпроқ чиқишлар қилинса нур устига аъло нур бўларди.

Иброҳим ТУРСУНОВ, Тошкент Давлат аграр университети ўқитувчиси, Гулбахор ҚОСИМОВА, Ҳамза туманидаги 152-мактаб директори ўринбосари, олий тоифали ўқитувчи.



ИЛМ ҚУЛФЛАРИНИ ОЧГАН АЛЛОМА

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганиларидек, «Биз бу мутафаккирларимизнинг кўтлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида буюк аллома, ислом илмларининг йирик намоянчаси Каффол аш-Шоший таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан «Каффол аш-Шоший — буюк хадисшунос ва файласуф олим» мавзусида республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан институт директори, академик Музаффар Ҳайруллоев Каффол аш-Шошийнинг фаолияти тўғрисида қисқача тўхталди. «Биз Самарқандий, Хоразмий, Бухорий ва Термизийлар ҳаёти билан танишимиз. Энди пойтахтимиз кўнча Шошда яшаган ва ижод қилган алломалар илмий меросини ўрганишга киришяймиз», деб таъкидлади.

Маълумки, X-XI асрларда Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Термиз, Насаф, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун муслулмон Шарқдаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент — ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тарих жараёнида тафсил, хадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб олимларни етиштириб берган.

Ана шундай алломалардан бири Каффол Шошийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Каффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унинг ҳурматини баҳо келтириш учун номига катта, улғ маъносини ифодалайдиган «ал-Қабрий» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир хунарманд бўлиб, кўлфозилида шўҳрат қозонганлиги учун «ал-Каффол» ёъни, қўлфоз, кўлфоз деган ном билан эъзозланган ва бу унинг тақаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг «Сийар аълом ан-нубало» («Оли-

Турли манбаларда Каффол Шошийдан ривоят қилинган хадислар мавзуд: «Абу Хотам Муҳаммад ибн Абдуллоҳид Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил аш-Шошийдан, бу зот Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб Шошийдан, бу зот Юнус ибн Иброҳим Аданийдан, бу зот Абдулҳамид ибн Солиҳдан, бу зот Солиҳ ибн Абдулжаббор ал-Ҳазрабийдан, бу зот Муҳаммад ибн Абдурахмон Байроуннаҳр, балки Хўросон олим сифатида ҳам эътироф этган.

Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Саъбийнинг ўзининг «ал-Ансоб» номиянчаси китобида Каффол Шошийга қуйидагича нисбат берган ва таърифлаган: «Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Каффол Шоший тафсири, хадис, фикҳ, тилшунослик илмлари бўйича замонасининг директори, академик Музаффар Ҳайруллоев Каффол аш-Шошийнинг фаолияти тўғрисида қисқача тўхталди. «Биз Самарқандий, Хоразмий, Бухорий ва Термизийлар ҳаёти билан танишимиз. Энди пойтахтимиз кўнча Шошда яшаган ва ижод қилган алломалар илмий меросини ўрганишга киришяймиз», деб таъкидлади.

Маълумки, X-XI асрларда Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Термиз, Насаф, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун муслулмон Шарқдаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент — ўрта аср араб манбаларида Шош деб номланиб, тарих жараёнида тафсил, хадис, фикҳ, тилшунослик илмларида кўплаб олимларни етиштириб берган.

Ана шундай алломалардан бири Каффол Шошийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Каффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унинг ҳурматини баҳо келтириш учун номига катта, улғ маъносини ифодалайдиган «ал-Қабрий» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома моҳир хунарманд бўлиб, кўлфозилида шўҳрат қозонганлиги учун «ал-Каффол» ёъни, қўлфоз, кўлфоз деган ном билан эъзозланган ва бу унинг тақаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг «Сийар аълом ан-нубало» («Оли-

Хулоса қилиб айтганда, тафсири, хадис, фикҳ ва адабиётга доир китобларда Каффол Шошийнинг асарларидан жуда кўп иқтибослар келтирилган. Каффол Шошийнинг 366 йилда (айрим манбаларда 365 дейилган) Шошда вафот этган ва шу ерга дафн этилган. Ҳозирда Тошкентнинг «Халқ орасида» «Ҳасимов» (Ҳазрати Имом) деб аталадиган табаркор гўша ана шу зотга нисбатан чўқур эҳтиром намўнасикидир.

Эхтимолло МУҲАМЕДОВ, Тошкент Ислам университети аспиранти

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлиб...

● Илм келинчака ўхшайди, у хилват ва пинҳонлики ёқтиради.

● Илм — инсон зийнати.
● Илм ва одоб — тағи йўқ хазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиммати баланд бўлади.
● Фазилятга фақат илму шафафи бор одам лойиқ.
● Хунарни қадрламаган оч қолади.

Байт:
Хар ким анжир сотиб қорни бўлса тўк, Унга шу хунардан устун хунари йўқ. Инсон хунаридан хурмат кўради, Дунёда не экса шуну уради.

● Хар бир инсон учун ўз муаллимини ва устозини эъзозлаш, хурмат ва эҳтиромини адо қилиш шартдир. Негаки бу зотлар хар қандай инсоннинг руҳини тарбиялайди, маънавий бойлик билан тўлдирди, хар қандай руҳий ва маънавий камчилик ва иллатлардан поклайди. Жаҳолат деган бутун айбдан холи ва озод бўлади.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у сенинг инсонлик ҳақ-хуқуқларинг нимадан иборат эканини тушунтириб беради. Ярамас, ёмон ишлардан қайтаради ва энг яхши ишлар ва фазилятлар сари йўл кўрсатади. Улар сенинг юксаклигинг ва камолга етишингни ўйлашиб, ҳамisha жон куйдиришади, эл ичида эътиборга эга бўлишингни ўйлаб бутун куч ва имкониётларини ишга солишади.

Муаллим ва устознинг вақтлари қимматли эканлигини билиб, айтганларига диққат билан кулоқ сол. Бордию бирор нарсани тушунмай қолсанг одоб ва мулоимлик билан қайта сўрашинг зарур. Агарда улар нималар сўзасалар қулиб туриб, одоб ва иқром билан чиройли сўзларни саралаб жавоб бер. Илм масканидан ташқарида ёки кўча-куйда уларни кўриб қолсанг таъзим бажо қил. Қўлинг-ни кўксингга қўйиб салом бер.

● Илм — юксак тоғ, унга чиқиш қийин, ноҳодлик чуқур чоғ тушиш осон, чиқиш қийин.
● Бузувмехр ҳаким айтди: "Устозимдан нималарга етсам ҳамма нарсага етишимим мумкин", деб сўрадим. У айтди: "Саломатликка, хотиржамликка!". Яна сўрадим: "Ишларимни кимга ишониб топшираман?". Айтди: "Ўз қадрини билган одамга". Яна сўрадим: "Ешлик ва қарилликда нима яхши?". Айтди: "Ешликда илм олиш — қари-ганда ундан фойдаланиш".

● Ҳикмат.
Хар кимнинг зари бўлмасада, аммо хунари бўлса дунёда ҳеч бир ҳафз-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши хунари зийнати билан безанмоғи керак. Хунарсиз киши қуруқ савлатдир. Қуруқ савлат қотиб қолган савратга ўхшайди. Сен савратга бок, у одамга ўхшада жони бўлмайди. Дарахт шохи мевасиз бўлса кийинкинг шохларидан нима фарқи бор?! Қалам гарчи чўп бўлсада, илму хунарни ошқор қилгани учун азиздир. Ойна эса гўзаллар юзи туйфайли кўлда юради. Сен Абу Жаҳл тарвузини кўр, ширин тарвузлар каби чиройлидир. Аммо аччиқ бўлгани учун қиймати йўқ.

Байт:
Беҳунар одам эмас, мону зори бўлганда ҳам, Бўлмағай эшак одам анга либос ёпганда ҳам.

Толибжон болалиқдан бирга ўсган қадрдон дўстим. Туман ички ишлар бўлимида ишлайди. У билан тез-тез учрашиб тураемиз, турли мавзуларда суҳбат қураемиз. Кўпинча гурунгимиз бола тарбиясию ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, оқибатли маҳалладошлар ҳақида боради. Баъзан фикримиз бир жойдан чиқмай тортишиб ҳам қоламиз. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Хўп, яхши, — деди у папкасининг ичидан бир хат чиқариб кўлимга тутқазаркан, — унда мана буни ўқиб кўрчи?

Беихтиёр узук-юлуқ битилган сатрларга синчков тикилдим.
«Хурматли Толибжон ака! Илтимос менинг бирор ишга жойлашимга ёрдам берсангиз. Балки бошимдан ўтган барча сирсиноатларни сизга баён этсам менинг астойдил таваб қилганимга, ҳақ йўлида хизмат қилишга бел болаганимга ишонарсиз.

Эндигина 20 ёшга кирдим. Бу орада қамоқхона юзини кўришга ҳам улгурдим. Лекин Президентимизнинг мендек тўғри йўлдан адашган кимсаларни авф этиш тўғрисидаги Фармонлари туйфайли қамоқдан озод этилдим. Онажонимнинг айтишларича пешонаман шўр экан. Олдинлари бутун қилмишимни шунга йўйдим. Йўқ, кейин билсам уни «шўр» бостириб юрган ўзим эканман. Онам бечора куйганидан бечошоглигимни хас-пўшлаш учун шундай дер эканлар. Мен нодон ёшлик қилиб она меҳри билан йўрилган бу сўзни бошқача тушуниб юрган эканман.

Отам бахтсиз тасодиф билан вафот этганларида бир ёшда эканман. Кўрган-билганларинг айтишича, хатто у ўлими олдида ҳам мени сўнгги бор кўриб, юзимдан ўлиб оламдан кўз юмган экан. Ундан мен учун хотира бўлиб қолган ягона нарса — ота-бола тушган суратимиз.

Онам бошқа турмуш қўрмади. Бир куни қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар уни қийин-қистовга олишди. Шунда у: «Елғиз ўғлимнинг ўғай ота эшигиде яришини истамайман. Минг қилса ҳам ўғай-ўғай-да», дегани ёдимда. Кейин хўнграб келиб мени бағрига босгани, қайноқ кўз ёшлари билан юз-кўзимдан ўпганлари, худди биров мени олиб кўядигандек қизганчилик билан кўтариб нариги ўйга олиб чиқиб кетганлари эсимда.

У умрини менга бағишлади. Келажагимни ўйлаб тунни тонга улаб мижжа қокмади. Қоқ ярим кетганда бошимни силаб йиғлаб ўтирганида бир неча бор уйғониб кетганман.

7-синфини битирган йилим ёзда эски уйимиз бузиладиган бўлди. Бизга Қорақамшидан икки хонали уй беришди. Янги уйимиз барча қулайликларга эга бўлсада, лекин қадрдон ховлимизни ташлаб кетгимиз келмасди. Ушанда балки ойим отажонимнинг «чироти ўчиб қолишидан» ғуссага ботаётган бўлса, мен эски қадрдон дўстларимдан узоклашиб кетаётганимдан зириллардим.

Кўч-кўронимизни жойлаштириш билан овора бўлиб икки кун кўчага чиқмадим. Чой устида ойим: «Ўғлим, ҳадеб зерикиб ўтирмай кўчага чиқиб биров ўйнаб кела қолгин. Бу ерда ҳам ўзинг тенги болалар бордир. Ушалар билан танишиб оларсан», дедилар.

Ойижонимнинг гапларидан сўнг ташқарига чиқдим. Йўлагимизда уч-тўрт тенгқурлар давра олиб туришган экан. Карим деган бола мени билан эски қадрдонлардек кўриша кетди. У ёнимиздаги уйда яшарди. Кўчиб келган кунимиз онасининг қистови билан шкафимизни иккинчи қаватга олиб чиқишга ёрдамлашганди.

— Қиз боладек уйга қамалиб олдингми? — деди у мен билан кўриша туриб, ахир ўғил бола деган бундай янги дўстлар би-

лан ҳам тил топишиб кетади-да.

Кейин у мени турганлар билан таништирди. Шу-шу Карим билан юлдузимиз тўри келиб қолди.

— Менга қара, — деди у менга бир куни, — сени бир жойга меҳмонга олиб бораман. Яхши оғайниларим бор, танишиб оласан.

Меҳмонга борган жойимиз янги мактабимиз орасидаги ташландиқ майдон экан. Ўн чоғли турли ёшдаги болалар давра олишган. Ҳаммасининг кўлида сигарет. Ўртада ёши биздан каттароқ, қорачадан келган, сочи қошини қоплаган бир бола ўтирибди. Олдида ярим ичиган бир шиша вино турибди.

Карим ҳамма билан бирма-бир кўришиб чиқди. Мен янги «оғайниларимни» кўриб саросимада қолдим.

— Шеф, — деди Карим боятга қора болага мурожаат қилиб, — янги меҳмон олиб келдим.

Шеф менга бир чирчилиб кўйди-да ёнидаги микти болага имо қилди. У оҳиста рўпарамга келдию тўсатдан башарамга бир мушт туширди. Қалтак зарбидан кўзим чақнаб ерга йиқилиб тушдим.

РАҲМАТ СИЗГА,
ОДАМЛАР!

— Бўлмайдими, латта, — деди шеф.

Микти боланинг ўзи қўлимдан тортиб тургазиб кўйди.

— Ўтир, лапашанг, — деди у биқинимга бир туртиб. Индамай ерга чўккаладим. Шеф мени сўроққа тула кетди.

— Чекасаними?
Мен йўқ ишорасини қилдим.
— Ичасаними?

— Бизга бунақа онасининг боласи керак эмас, сотиб қўяди, — деди шеф. Кейин Каримга нозини кўрибди тикилди.

Ҳаёлимда турли фикрлар чувалашиб кетди. Бир кўнглим ўрнимдан туриб уйга жуфтаникни ростлаворай дедим лекин уларга ўзимнинг қилмишимни кўрсатиб қўйгим келди. Ўрнимдан туриб миктининг олдида қандай бурганимни унинг башарасига тепиб юборганимни билмай қолдим.

Ҳаммаёқ алғов-далгов бўлиб кетди. Шефдан бошқа ҳамма болалар бараварига менга ташлангилди. Яхшиям бахтимга шеф бор экан. Бўлмаса холим не кечарди билмайман. Унинг буйруғи билан ҳамма жойига ўтирди. Микти жилмайганича қон аралаш тултурди.

— Қойил, — деди шеф ниҳоят менга яқинлашиб, — мард йигит экансан, бўлди бугундан бошлаб биз билан биргасан.

Шеф қўлимга ярим стакан вино тутди. Қизик устида ичиб юбордим. Ўғил болалигим тутиб ўртадаги сигаретга кўл чўздим. Ҳаммаси шундан бошланди. Худди боши берк кўчага кириб қолгандек эдим. «Янги улфатларимга» кўшилмасликка қанчалки уринмай бариб урдасидан чиқсамасдим. Икки-уч кун кўришмасам «айоқчи» (миктини шундай деб аташарди) уйимизга, мактабга келиб мени бошлаб кет-

тарди. Шефдан кўрққанымдан унинг сўзини икки қилолмасдим.

Ойижоним кейинги кунларда ниманидир сезгандек безовталана-нар, ёмон болаларга қўшилиб қолмаслигимни қайта-қайта ўқитардилар. Бир кўнглим ойимга бор гапни рўй-рост айтгим келарди-ю, лекин унинг дилига озор беришдан кўрқардим. Шу сиз ҳам у кейинги кунларда юрак санчишидан тез-тез шикоят қилдиган бўлиб қолганди.

Кўза кунда эмас, кунда си-наркан. Бир жинийи иш устида кўлга тушиб қолдик. Очиғини айтганда, қилғиликни бошқалар қилдию лекин мен ҳам воқеа қатнашчиси сифатида жазоландим. Икки йил муддатга ахлоқ-тузатиш колониясига жўнатилдим. Вой ўшандаги онажонимнинг йиғлаганлари. Қилғиликни қилган мену лекин онам бечора ўзларини айблайдилар. «Мен айбдорман, ҳаммасига мен айбдорман», дея тинимсиз бошларига муштлайдилар. «Мени кечир ўғлим, беҳабар қолбиман», деб телбаларча мен томон интиладилар.

Қора қилмишим учун онамнинг таъна қилиш ўрнига ун сўраши мени баттар қийнарди. Ҳаммаси-

ин машинага ўтириб жўнаб кетдик.

— Ўғлим, — деди йўлда маҳалламиз оқсоқоли Холмурод ака, — онанг касалхонада анчадан бери беҳуш ётибди. Дастлаб бориб онангни кўрсак.

— Онажонимга нима бўлди? — деган саволимга жавобсиз қолди. Шу дамда биз тушган машина касалхона эшиги олдида келиб улгурганди.

Мени дастлаб оқ халатли бир киши хонасига бошлади. Унинг саволларига қани энди жавоб бера олам. Ҳаяжонланганимдан гапирга олмадим.

— Ҳозир сизни онангни олди-га олиб киришади, — деди у. Икки ўзимни тутиб олганимдан кейин. — Лекин босиқлик билан гаплашинг. Яширадиган жойимиз йўқ. У кишининг ахлови жуда оғир. Тўрт кундан бери сизни кутиб ётибди.

Палатага кирдик. Хона тўридаги қаравотда онажоним ётардилар. Ранглари доқадек оқариб кетган. Тепасига боришим билан у кўзини очди. Олдин шифокорга, кейин менга тикилди. Мен чўккалаб юзига юзимни босдим. У мени бир қўллаб бўйнимдан кўчқоқлади, сўнг чуқур хўрсиниб: «Худога шўкр, сени кўрдим ўғлим», дея олди эрига. Кейин бирдан қўллари шалвираб тушди. У қайта кўзини очмади. Оқ халатли киши мени тортиқлаб ташқарига олиб чиқди. Йўлакка чиқсам маҳалла оқсоқоли бошлиқ кўни-қўшилариимиз туришибди.

— Ўзингни дадил тут ўғлим, — деди Холмурод оқсоқол мени юпатиб. — Банданинг ҳоли шу. Афсус бечора эрта кетди.

У мени юпатардию бироқ кўзларидан тиркараб оқаётган ёшларини яшира олмадим.

Уйга келсам хонадонимиз кўни-қўшиларига тўлиб кетибди. Ҳамма таралдулда. Биров кўрпача тўшаган, биров теварак-атрофни тартибга келтирган. Улар мени кўришда ростмана азани бошлаб юборишди. Ҳаммасидан рўпарамизда турадиган Нури холанинг: «Эҳ тентаккина болам, онанг бечора сенинг даргинда кўз-кўз адо бўлди-я», деган нидоси юрак бағримни ўртаб юборди.

Холмурод оқсоқол билангидан ушлаб чеккага тортиб деди:

— Бизникига чиқиб кийинги ол. Сенга кийим-бош тайёрлаб қўйганмиз. Бироз туз ҳам тотиб олгин, толиқиб қолсан, ўғлим...

— Онажонимни бутун маҳалла кўмди. Маросимларини ҳам ўшарга ўтказди. Тириж эканман, уларнинг яхшиликларини асло унутмайман, ахдим қатъий. Маҳалладошларим, барча-барча олдида онт ичаман, ҳалол меҳнат билан ўзимнинг қора қилмишимни юваман. Лекин мени бир нарса қийнади. У ҳам бўлса онажоним олдидаги қарзимни узоғмай қолганим. Айтинг, мендек ноқобил фарзанднинг фироқда куйиб адо бўлган онанинг ноқобор ўғлига муносиб жазо топиламанми?

Аҳмаджон.

Ҳаёлга толиб қолдим.
— Ҳўш бунисига нима дейсан? — деди Толибжон сукунатни бузиб.

Биз у билан махлахатлашиб ушбу мактубинг ибратли томонларини ҳисобга олиб уни сизга азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

ХАНДАЛАР

Репетиция пайтида актриса режиссёрга деди:

— Умуман нима учун менга қалбаки нарсаларни беряспизлар? Иккинчи пардадан кейин ростман шампан ичимлигини келтиришингизни талаб қиламан.

— Мен қарши эмасман, — жавоб қайтарди режиссёр. — У ҳолда учинчи пардада ростакан заҳар ичингизга тўғри келади.

Дўконда:

— Менга қанақа пишлокни ўраб бердингиз? Сизга Швейцария пишлогини айтувдим-ку, бу эса Голландияники...

— Нима, сиз у билан гаплашасизми?

— Бу қанақаси бўлди? Итингиз туни билан ойнамиз тагида хуриб чиқди.

— Нима учун сиз хавотирланаяпсиз? Кундуз кунни ухлаб олади.

— Қайлигингни ўғираганинг ростми?

— Албатта.

— Сенга кимдир ёрдам бердимми?

— Ҳа-ҳа, унинг ота-онаси.

Қиз:

— Шу ростми, чинакам бахт нима экани тўйдан кейин маълум бўлар экан-а?

Йигит:

— Ҳа, албатта. Фақат унда жуда кеч бўлади.

— Доктор нима учун тилингизни кўрсатинг дедингиз-у, ўзингиз унга қарамадингиз ҳам?

— Дори қоғозни тинчгина ёзиб олай дедим-да.

Эрталаб уйимга келсам, хотинимнинг айтишича уйимизга ўғри тушибди.

— Ўғри ушландими, ҳозир қаерда?

— Касалхонада. Хотиним мени ишдан қайтди деб ўйлабди.

Бир киши иккинчи кишига деди:

— Мен шу ердаги дарёда бегимотни кўрдим.

Иккинчи киши:

— Сув жуда тоза ва зилол бўлгани учун у ерда ўз аксингни кўргандирсан.

— Тез чопадиган, хотинингни тепган ўша отингни менга сотасанми?

— Йўқ от умуман сотилмайди.

— Нега?

— Шунинг учунки, яна уйланмоқчиман.

Йўловчи: — Хоним, итингиз оёғини тишлаб олди.

Хоним: — Вой, яхши айтдингиз. Уйга боргандан кейин итингиз оғзини яхшилаб ювиб қўяман.

Муаллим: Баҳром, феълнинг неча тури бор?

Баҳром: Уч тури бор, устоз.

Муаллим: Қани, бир бошидан санаб берчи?!

Баҳром: Ўтган замон, ҳозирги замон, хизмат замон!

Қози: Сиз уни мушт билан қандай ўлдирдингиз?

Жиноятчи: Рухсат берсангиз, уни қандай ўлдирганимни сизда кўрсатардим.



Асли менбоп уйча экан-у сал замонавийроқми, қаердан кирсам экан-а? Эшиги йўқ-ку.

Атрофда қад кўтарган кўп қаватли уйлар деразаларида чироқлар ҳам анча сийраклашиб қолган. Зулфия ётоқхонасига боришга эриниб, ёп-ёруғ меҳмонхонада ширин уйкуга кетди.

...Соат миллари тунги уч яримни кўрсатиб турарди. Зулфия яшайдиган уй яқинига бир такси келиб тўхтаб, ундан 25-27 ёшлар чамасидаги икки йигит тушди. Улар бироз гаплашиб туришгач, ёғоч ўриндиққа келиб ўтириб, сигарета тутатишди.

— Қизик, ҳанузгача меҳмонлар кетишмаганга ўшайдику?.. Қара, Ойбек — дея ёруғ дераза томонга ишора қилди Икром.

— Ўтиришгандир-да ялло қилишиб, биласан-ку, қизларнинг гаплари тугамайди. Ўзинг кўрдинг-ку, ахир уларнинг қандай қувноқликларини. Бир-бирларига навбат бермай гаплашишга тандир.

— Бир ҳисобда айб ўзимизда, шошиб кетвормаганимизда ҳозир биз ҳам улар билан маза қилиб ўтирган бўлармиким. Керак бўлса, балки битта-битта танлаб...

— дея кинояли жилмайиб қўйди Икром.

— Балки, деганинг нимаси?!.. Ўзини Гуля деб таништирган соҳибжамол қиз билан роса топишиб улгурганимда, аттанг. Сен ҳамма нарсанинг белига тепдинг. Энди кўнглига йўл топай деганимда, кетамизга тушиб қолганинг чакки бўлди-да, оғайни, — дея тўнғиллади Ойбек.

— Энди нима бўлса-бўлди. Маишат қилиш қочмас. Аввал асл мақсадимизга эришиб олайлик. Кейин... Кел ундан кўра вақтни ўтказмай тезроқ ишга киришайлик.

Икковлон ичкарига йўл олишди. Зулфиянинг уйи биринчи қаватда эди. Улар эшик ёнида тўхташди.

Эшик кўнгириги кетма-кет жиринглайверганидан хондон соҳибасининг уйкуси бузилди. «Ким экан бу, ярим кечада? Еки меҳмонлардан биронтаси нимасинидир унутиб қолдирганимиким?..

Шу каби хаёллар билан Зулфия эшик яқинига келди ва эҳтиёт шарт эшикнинг кўзчаси орқали ташқарига қаради. Ҳеч нарса кўринмагач, «Ким у» деб сўради.

— Бу мен, Икромжонман. Биз Ойбек билан яна қайтиб келдик.

Таниш овоздан кейингина ичида пайдо бўлган кўркүв ва ҳаяжонга бироз босилган Зулфия эшикни очди.

— Ҳа, тинчликми? Бекободга жўнаб кетолмадингларми?.. Сизларга бугунча қолаверинглар бизникида, десам ўзларинг кўнмадинглар. Кеч бўлишига қарамай йўлга тушдинглар, — дея Зулфия уларни ичкарига тақлиф этди.

Икром Зулфиянинг опасининг ўғли. У Бекобод шаҳрида яшайди. Ўртоғи Ойбек бўлса Олмалиқда истиқомат қилади. Бу оғайниларнинг иккаласи ҳам футболчи. Тошкент вилоятидаги футбол жамоаларидан бирида ўйнашади. Шу кунларда улар мусобақалар олдидан ўтказилаётган танлов босқичларида иштирок этиш мақсадида пойтахтга келишган. Бугун Икром оғайини Ойбекни олиб, Зулфияларникига меҳмонга борган эди. Улар келишганда Зулфия ўзининг тўрт нафар дўгонаси билан уйда чақчақлашиб ўтиришган экан. Кейин йигитлар ҳам даврага қўшилишди. Сўх-

• ТАЪЛИМ

ҲАМ МАЪРУЗА, ҲАМ ҚЎЛЛАНМА

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эълон қилган «Йилнинг энг яхши маъруза матни» республика танловига яқун чиқарилди. Ушбу тадбир физика, математика, кимё ва информатика фанларидан ўқилган маъруза матнлари бўйича ташкил этилди.

Тошкент Давлат техника университети ўқитувчиси Воҳид Татдидаевнинг маъруза матни математика фани бўйича

совринли мукофотга сазовор бўлди.

Тошкент автомобил ва йўллар институтидан бир йўла икки нафар иш танловда голиб деб топилди. «Олий математика», «Информацион технологиялар»дан маърузалар матни муаллифлари ҳам мукофотли ўринлар билан тақдирланди. Бу изланишлардан фойдали ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилади.

Акбар АЛИЕВ

бат энди қизиганда эса, Икром Ойбекни ҳам кўярда-қўймай «кетамиз», деб туриб олди. Қизлар билан хайр-хўшлашиб, чиқиб кетдилар. Аммо улар шу 22-мавзадан узокка чикмай 2-3 соат вақтни кўчада ўтказишди. Кейин эса, бир йўловчи машинага ўтириб, яна ортларига қайтиб келишди.

Зулфия бемахалда қайтиб келган меҳмонларга чой дамлаш учун ошхонага кириб кетди. Шу дамда йигитлар аввалдан тузган қалтис режаларини амалга оширишга киришдилар. Бири ошхона томон борди ва чойнакка сув тўлдиратган уй бекасининг бўйига чаққонлик билан арқон солиб, уни қаттиқ куч билан бўға бошлади. Кутилмаганда бўйига солинган арқон ва бақувват қўллар чангалдан чиқишга оҳиб бўлган Зулфия кўп фурсат ўтмай полга йиқилди. Осонгина мақсадларига эришган кўзлари олазарак «меҳмон»лар ҳар қақиқани ганимат билиб, хондонин бир пасда остин-устун қилиб ташладилар. Қўлларига илинган уч-тўртта тилла тақинчоқлар ҳамда яна бир неча хил кийим-кечакларни сумкаларига жойлаб, жуфтани ростладилар.

кечкурун Зулфиянинг хондониди меҳмонлар йигилишганини таъкидлашди. Давра қатнашчилари, яъни марҳуманинг дўгоналари ички ишлар ходимларига нима бўлган бўлса барчасини хикоя қилиб беришди. Энди эса фақат Икром билан Ойбек исмли ўша йигитларни тезроқ топиш ва уларни ҳам сўроқ қилиш қолган эди.

Жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция майори Равшан Исмолов ва бошқа ходимлар шаҳарда суриштирув-қидирув ишларини давом эттирдилар. Катта тезкор вакиллар милиция подполковниги Шуҳрат Аҳмедов ва милиция капитани Абдор Иброҳимовлар тезда Бекобод шаҳри томон йўл олишди. Аммо гумондорлар Бекободдан топилмагач, изкуварлар тўппа-тўғри Олмалик шаҳри сари шошдилар. Шу ердаги туман жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорликда қидирув-суриштирув ишлари давом эттирилди. Ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик зарурлигини кўп йиллик билим ва бой тажрибалари орқали синовдан ўтказган тиниб-тинчимас милиция ходимлари охири калаванинг учини топишга муваффақ бўлдилар. Олмалик шаҳридаги хондонларнинг бирида бамайлихотир ширин сўхтаб қуриб ўтирган бу икки «шоввоз» ҳеч қутилмаганда пайдо бўлиб қолган ички ишлар ходимларини қўриши билан саросимага тушиб қолишди. Лекин

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

АЙБИГА ИҚРОР БЎЛГАН «МЕҲМОН»ЛАР

Меҳмонларини кузатган Зулфия бироз дам олиб, кейин у ёқ-бу ёқни йиғиштириш мақсадида телевизор қаршисига келиб ўтирди. Унинг жуда чарчаганидан кўзлари юмилди кетарди. Ахир меҳмон қутишининг ўзи бўлмайди. Ҳар ҳолда улбўл егулик ҳозирлаш лозим. Бу эса уй бекасиндан анча ҳаракат талаб этади, албатта. Боз устига Зулфия уйда ёлғиз бўлса, барча юмушларни қилиб улгурди. Тижорат мақсадида Россияга кетган эри эса, ҳали-вери қайтмайди.

Акмал Икромов тумани Ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисмига 22-мавзада жойлашган ушбу хондонда содир этилган қотиллик жинояти тўғрисида шошилинч хабар берилди. Воқеа жойида ҳозир бўлишган тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг олдида ушбу муҳим жиноятни очиш вазифаси турарди. Номаълум шахслар томонидан амалга оширилган хунрезлик ҳар қандай киши қалбини изтиробга соларди. Аммо нима бўлганда ҳам мазкур жиноятни содир этган шахслар аниқланиши ва улар албатта қўлга олиниши шарт эди.

Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Ўткир Ханжаров бошчилигида таҳрибали изкуварлар қотилларни зудлик билан топишга киришдилар. Ҳожеа юз берган хондонда қотил шубҳали буюм ёки бирор аниқроқ из ҳам қолдирмаган эди. Фақатгина деразалар очик ҳолда қолдирилган, бу эса жиноятчилар томонидан пухталиқ билан уюштирилган бир ҳайла эди. Чунки, улар ўзларига шубҳа уйғотмаслик мақсадида деразаларни очиб кетишган. Гўёки, кимдир эшик орқали бемалол эмас, балки деразадан кириб, уй соҳибасига ҳамла қилгандек. Мабодо шубҳа остига олиб сўроқ қилишганида ҳам, «биз ҳақиқатдан ҳам уйда бўлганмиз. Лекин мана шу қизлар гувоҳ. Биз ҳаммадан олдин кетганмиз» деб жавоб беришни кўзлагандилар. Хуллас, мазкур қотиллик жинояти анчагина жумбоқ эди.

Туман ИИБ жиноят-қидирув хизмати ходимлари кўни-кўшилар билан сўхбатлашиб кўрдилар. Улар ҳам ўша кун

шу дамда ҳам нима қилишни яхши билган «уддабурон» Икром ўзини артистдай кўрсатиб, қариндоши Зулфиянинг ўлими тўғрисида эшитиб, хўнграб йғлай бошлади. Аммо бу ҳаракатлардан ҳеч қандай фойда чикмади. Шундай қилиб, энди бор ҳақиқатни беркитган билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигини англаб етган йигитлар айбларига иқрор бўлишди. Улар милиция ходимлари ҳамроҳлигида пойтахтга олиб келинди. Ҳа, ўта синчковлик ва зийракликда давом этган суриштирув-қидирув ҳаракатлари зое кетмади. Шубҳа ва гумонлар ўз тасдиғини топди. Муҳим жиноят уч кун ичида очилди. Жиноятчилардан марҳумага тегишли далилий ашёлар, ҳатто хорижда ишлаб чиқарилган Икромга «ярашиб» турган кийимлар ҳам ўша кунги кечаси олиб келилгани исботланди.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини оладилар. Арзимас буюмлар, мол-мулкни деб, ҳатто ўз қариндошининг ҳаётига зомин бўлган Икром ва унинг ҳамтовоғи Ойбекларнинг қилмишлари ҳар қандай кишининг нафратини кўзга татиши аниқ. Нахотки баъзи одамлар учун мол-дунё инсон қадр-қиммати, ҳаётидан ҳам устун турса? Ахир ҳеч қачон ўзганинг мулки бировага буюрмаслиги аниқ-ку! Бу жиноятнинг илдиши ҳам бойлик ва шахсий манфаатга такалди. Шайтон сувидан маст бўлиб, кўзига ҳеч нарса кўринмаган ушбу икки йигитнинг пешоналарига ҳам «қотил» деган тамга бир умр ёзилиб қолди.

Самариддин ХАЛИЛОВ

Фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол вояга етишида, уларнинг спортга ошнолиги муҳим ўрин тутади. Спортда ҳар бир ҳаракат, кўл, оёқ машқлари, бел, бармоқ ҳаракатлари инсон танасидаги қон юришини яхшилади, одамнинг соғлиғига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун айни пайтда спортни ёшлар ўртасида ривожлантиришга эътибор кучайиб, бу йўлда бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда.

ҚУВНОҚ СТАРТЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими кенгаши томонидан ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасини ҳам ана шундай амалий ишлар сирасидан десак хато қилмаймиз. Мусобақада тумандаги «Зилола», «Миришкор», «Роҳат», «Истиқлол» маҳаллаларидан жами 40 га яқин ўсмир-ёшлар иштирок этди.

Спортнинг шахмат, шашка, футбол, баскетбол турлари бўйича ўтказилган турнирда ўсмир-ёшлар ўзларининг ҳар жиҳатдан чаққон ва эпчил эканликларини намойиш этдилар.

Натижалар сарҳисоб қилинганч, футбол бўйича «Зилола» маҳалласи ёшлари, баскетбол бўйича эса «Роҳат» маҳалласи ўсмирлари ғолибликни кўлга киритишди. Шахмат бўйича эса «Миришкор» маҳалласидан ўғил болалар ўртасида Александр Дамидуко, қизлар ўртасида эса Индра Шохўжаевлар ғолиб чиқишди.

— Бундай мусобақалар ёшларимизнинг нафақат соғлом ва тетик бўлишларида муҳим омили, балки, улар ўртасида дўстлик ва бирдамликни ҳам мустаҳкамлайди, — дейди туман педагог ташкилотчиси Эльмира Сахаева.

Орзугул РУСТАМОВА



БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ҳар сафар оёқ тирноқларимни олаётганда анча азоб чекилади. Тирноқнинг тери ичига қараб ўсган четини олишда бармоқлар қонаб кетади. Нима қилса бўлади?

Тирноқ пластинкасининг атрофидаги юмшоқ тўқималарга ўсиб киришининг асосий сабаби пойабзал тор бўлиб, оёқ бармоқларини қисиб қўйиши, тирноқларнинг зарбдан шикастланишидандир. Тирноқнинг ичига ўсиши кўпинча оёқнинг бош бармоқларида кузатилади. Бунда тирноқ кўтармаси оғриқ яллиғланади, баъзан яра бўлиб мадда боғлайди. Ана шундай ҳолда оёқни калий перманганат, яъни марганцовканинг пушти ранг эритмаси ёки 1 стакан иссиқ сувга 1 чой қошиқда сода қўшилган аралашмасига солиб ўтириш, сўнг тирноқни кесиб ташлаш лозим. Агар эътиборсизлик қилиб, оёққа лойиқ пойабзал кийилмаса, тирноқни етарлича парварши қилинмаса жарроҳлик йўли билан даволашга тўғри келади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундириш учун хатланиб банд солинган куйидаги автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

1. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм;
3. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи


- 8 020 600 сўм, техник носоз;
4. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
5. "ДАМАС" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Х 59-95, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
6. "Форд-Скорпио" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1000 000 сўм, техник носоз;
7. "Ваз-21011" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 77-89, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
8. "Дэу-рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АV 273, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
9. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;

10. "ГАЗ-5201" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. "ГАЗ-52" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
12. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;
13. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;
14. "Зил-ММЗ-34502" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
15. "Газ-672" автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 894, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
16. "Маз-500" автокрани, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам

- белгиси 11 АL 155, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
17. "Камаз-53213" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, Ю давлат рақам белгиси 1 000 000 сўм, техник носоз;
18. "ДТ-75" трактор, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 500 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 23 октябрда соат 15-00 да, 25 октябрь кун соат 12-00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усон Юсупов кўчаси, 3-уй 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.



Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 7, 14, 21, 28 ноябрь, 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари соат 11-00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдоларини ўтказида.

Савдоларга Тошкент шаҳар, Сергели тумани, лойиҳадаги Г-64, Ом ва Г-38, Ом кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой куриш учун мерос қилиб қолдирилади-ган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Битта ер участкасининг бошланғич нархи — 640000 сўм.

Ер участкалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдоларда жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун харидорлар ер участкаларининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мукин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.



Кўнгиш учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

«Тинчлик давроний» кичик корхонаси қайта ташкил этилиб, «Тинчлик — Давроний» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

«СНЕК-SERVIS» хусусий корхонаси қайта ташкил этилиб, «СНЕК-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.

Педиатрия илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси жамоаси институт директори, профессор Д.И.Махмудовага қайнотаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Абдусалом АТАМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Педиатрия илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси жамоаси клиниканинг физиотерапия ва саломатликни қайта тиклаш бўлимининг мудири Ф.А.Набихоновага акиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Абдусалом АТАМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таъриф оғиёт усулида босилади.
4204 нусxada босилди. Кўнгиш биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10 рақами билан рўйхатда олиниган

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанинг»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707.

Тошпирилди 13.35